

ISSN 2181-7324

# ЎзМУ ХАБАРЛАРИ



№ 1/3 ◊ 2017

*Ижтимоий-  
гуманитар  
фандар  
йўналиши*

*Направление  
социально-  
гуманитарных  
наук*

*Social-  
humanitarian  
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ◊ АСТА NUUz

Исмаилов X. Академик лицейларда ботаника курсини ўқитишида замонавий интерфейс/ усузиардан, фойдаланиш.....	143
Исмоилов М.И. Экологик парадигма эволюцияси: тизимли таҳдил .....	146
Кадирова С.М. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш: назарий асослар.....	149
Камилова Н.Г. Когнитивный подход в терапии иррациональных убеждений подростков с девиантным поведением – основа эффективной ресоциализации.....	151
Қодирова X. Жамиятда социал ва индивидуал идентиклик муаммолари .....	156
Қўйсинова Ф.О. Якин Шарқ мінтакасидаги сиёсий ўзгаришлар талкини .....	158
Qo'chqarova O.O. Alisher Navoiy ijodida psixologik qarashlar .....	160
Қосимов Ш.У. Касб-хунар колледжларида амалий касбий таълимни лойиҳалаш .....	162
Маллабоев Ж.Р., Мирзакомилова Ф.К. Ахборот майдонидаги таҳдидлар .....	165
Мамарасулов Б.Ш. Ёшлар сиёсати – миллий тараққиётнинг бош омили сифатида .....	168
Мансуров А.С. Ижтимоий жараёнларни моделлаштириш назарияси ва амалиёти.....	171
Mardonov Sh.Q., Maxmudova S. Bo'lajak tasviri san'at o'qituvchilarida badiiy idrokni shakllantirish .....	174
Мирзаев А. Баркамол авлодни тарбиялаш педагогик муаммо сифатида.....	178
Мирзакомилова Ф.К. Персонал бошқарувида ахборот хавфсизлигини таъминлаш – ташкилот баркарорлиги омили.....	181
Mirsagatova N.S. "Qutadg'u bilig" asarida moddiy-ma'naviy hayot uyg'unligi .....	184
Мустафаев Ш.Н. Олий таълим тизимида баркамол шахсни тарбиялашнинг ғоявий-эстетик масалалари ..	187
Мухамеджанова Л.А. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марказий Осиё ҳалклари давлат бошқарувида адолатли тузум ва одил раҳбарнинг ахлоқий киёфаси.....	189
Назарқосимов С.И. Ижтимоий соҳа таҳлилига замонавий ёндашув .....	193
Назаров Н. Ҳаракатлар стратегияси тизимида миллий ғоя .....	196
Нарметова Ю.К. Психология ва медицинада психосоматик ёндашувлар .....	199
Nishanova Z.T., Nishanov S.Yu. Kasbiy qiziqishlarni rivojlantirish .....	202
Норматова Д. Ахлоқий мерос маънавий мероснинг таркибий қисми сифатида .....	206
Nurmuratova H.Y. Boshlang'ich sinflarda chet tilini o'rgatishda nutqning ahamiyati .....	209
Обидова Г.К. Экологизация преподавания иностранного языка как необходимая реализация идея глобального образования.....	212
Оринова Р.И. Мусиқий тарбия – ўқувчиларда миллий руҳиятни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида.....	215
Парпиева Ш. Ҳавотирланиш ҳолатини ёртак терапияси ёрдамида бартараф этиш .....	218
Rabbimova F.T. Bo'lajak o'qituvchilarning ma'naviy tarbiyasida badiiy estetikaning o'rni .....	222
Рустамова М.М. Ўқувчилар ижодий тафаккурини ўрганишнинг педагогик-психологик диагностикаси ..	224
Сабирова Ч.А. Тарихий хотира талабаларда ахлоқий-эстетик тарбияни шакллантиришнинг асосий омили сифатида.....	228
Сагдиллаева З.А., Абдуллаев А.Б. Роль учета и анализа налогов в обеспечении экономического роста ..	231
Сайдов С.Ш. Махалла – фукаролик жамиятининг миллий институти .....	238
Сайдова Ф.Н. Тафаккурнинг индивидуал ҳусусиятлари .....	240
Саматов Х. Махдуми Аъзам Косонийнинг ижтимоий ҳамкорликка оид карашлари .....	246
Сапаров М.Ю. Шахс камолотини таъминлашда маърифатнинг функционал роли .....	249
Соҳибов С.А. Ёшларда ахборат маданиятини тарбиялашда таълим-тарбия маскани бўлган мактабнинг роли .....	252
Темирова Н., Олимова Р. Шахс ижтимоийлашувининг ижтимоий-маданий жиҳатлари .....	254
Тошболтаева Н.И. Тафаккур психологиясида ижодиёт масалалари .....	257
Tashpulatova N.S. Xalq og'zaki ijodidan foydalanish orqali o'quvchilarga milliy qadriyatlarni singdirish va milliy g'ururni tarbiyalash .....	259
Тиллаволдиева М.Х. Таълим ва тарбия ўртасидаги ўзаро алокадорлик муаммолари .....	262
Тожибаев Б. Жиной хулк-атвор девиантлик шакли сифатида .....	265
Тошов Х.И. Оккульт таълимотлар моҳияти ва талкинлар хилма-хиллиги .....	268
Тошмуродов Р.С. Қадим Шарқ ва Farb ҳалклари маънавий меросини ўрганишнинг айрим жиҳатлари .....	273
Тухтахўжаев Х.Б. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларига таълим беришда индивидуаллаштиришнинг илмий педагогик асослари .....	276
Ўроков Ш.Р. Дифференциация ва ўз-ўзини тарбиялаш бўлажак колледж ўқитувчисини касбий тайёрлаш тизимининг асоси сифатида .....	279
Усманова Д. Ўзбекистонда озик-овкат хавфсизлиги соҳасидаги ислоҳотлар .....	282
Усманова Л.А. Чет тил материалини ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усусларининг қўлланилшини .....	284
Утебаев Т.Т. Қоракалпок ҳалқининг тарихий мерослари ва тарбиявий тасаввурлари .....	286
Фазилова Да., Жуманова Н. Ёшлар социал-маданий, сиёсий киёфаси тушунчаси ва унинг моҳияти	
Файзуллаева Г.Ш. Ўқувчилар нутки ҳамда ижодий тафаккурини узвийлик – узлуксизлик тамойиз ривожлантириш .....	
Халилова Н.И. Психология фанида рефлексия муаммосининг ўрганилиши .....	
Хасанова С.Ф. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда психологик фаолият .....	

## ПСИХОЛОГИЯ ВА МЕДИЦИНАДА ПСИХОСОМАТИК ЁНДАШУВЛАР

Нарметова Ю.К.\*

### РЕЗЮМЕ

*Мақолада психология ва медицинада тобора оммалашиб бораётган муаммо – психосоматик ва соматопсихик ёндашувлар таҳлил қылған. Тана касалликларининг келиб чиқишида психологик омишлар ҳамда касаллик таъсири остида инсон психологиясида юзага келадиган ўзгаришлар турли ёндашувлар нұқтаи назаридан қараб чиқылған. Мазкур муаммолар бүйічә Farb ва Шарқ олимлари қараашлари баён этилған. Ушбу ёндашувлар психосоматик бузилишларни даволашда психотерапевтик воситаларни қўллаш заруратини кўрсатиб ўтиши таъқидаланған.*

**Калит сўзлар:** психика, психосоматика, соматопсихика, соматизация, касалликлар, эмоция, шахс типлари, алекситимия, аффект, депрессия, профилактика, реабилитация.

Психосоматик ўзаро муносабатлар бу – факт бутунги куннинг ёки факт тиббий ва ижтимоий соҳаларга оид муаммо эмас. Кенг маънода олиб караганда бу инсон мавжудлиги муаммосидир. Психосоматик бузилишлар – ўз ичига соматик касалликларнинг депрессив бузилишлар ва психик бузилишларнинг у ёки бу боскичида турли соматик касалликларнинг юзага келиши билан кечишини ифодаловчи касалликлардир. Аникрок килиб айтганда, психосоматик касалликлар деганда касалликнинг келиб чиқишида психологик омиллар етакчи роль ўйнайдын касалликларга айтилади. Илгари бу тоифа касалликларга саноқли хасталиклар – юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти, хафаконлик касаллиги, ошқозон ва 12 бармокли ичак яраси касаллиги ва бронхиал астма киритилар эди. Бугунги кунда психосоматик касалликлар доираси кенгайтирилиб, деярли барча касалликларнинг келиб чиқишида психологик омиллар ўрни мавжудлиги маълум бўлиб бормокда ва шифокорлар ҳамда психологлар томонидан эътироф этилмокда.

Психосоматика муаммосини ишлаб чиқиши анчадан буён мутахассислар диккат-эътибори доирасида бўлиб, психосоматик бузилишларга бағишлиган манбаларни ўрганиш билан шуғулланган олимлар кадим замонлардан касалликларни даволашда табиблар психологик таъсири кўрсатиш усулидан фойдаланганларини айтиб ўтадилар.

Тиббиёт тарихчиси Н.Е.Sigerist фикрича, қадимги Месопатамияда тиббиёт барча қўринишларида ўз ичига психосоматикани қамраб олган.

Америкалиқ психиатр Гр.Зильбург шуни таъкидлайди, психосоматика тарихи Гиппократ ва Аристотелга бориб тақалади, чунки айнан Гиппократ гарчи ўз асрларида бу масалага алоҳида тўхтамаган бўлсада, сома ва психикани бирлаштирган. “Меланхоликлар факатгина ёмон кайфият билан эмас, балки кориндаги оғриклардан ҳам азият чекадилар, кайфиятлари бўлмаганида худди қоринларига мингаталаб нина кириб кетгандек туюлади”, деб ёзади Гиппократ[1]. Шундай килиб, меланхолияни таърифлашда Гиппократ томонидан соматик омил киритилади. Кўпгина олимлар бутун медицина психосоматик қўринишга эга эканлигини эътироф этадилар. Гиппократдан кейин Цицерон (эрмиздан аввалги I асрда) жисмоний саломатлик эмоционал ҳолатга боғликларини таъкидлаб ўтади, Шу муносабат билан Ф.Александер ва Ш.Селесник

Цицеронни биринчи психосоматик деб тан оладилар[3]. Кейинчалик XI асрда буюк Шарқ алломаси Абу Али ибн Сино беморларни даволашда психологик ёндашувни қўллаган. У ҳар бир касалликнинг келиб чиқишида инсондаги психологик ҳолат ва унинг психологик хусусиятлари муҳим омил ролини бажаришини таъкидлайди [2]. Шаркнинг яна бир мутафаккири Ар-Розий ҳам кўп томли асрларида рухнинг ҳаракати билан юзага келадиган касалликлар, яъни психосоматик касалликлар ҳамда уларнинг кечишини психологик хусусиятларнинг намоён бўлиши ҳакида гапириб ўтади.

XVII асрда Э.Шталь “танани даволаш факт руҳ ҳолатига боғлик”, деган ғояни илгари сурди. У психоген реакцияларга тааллукли барча кузатишларни умумлаштиришга ҳаракат килади. Айнан шу даврда Б.Спиноза ўзининг “Аффектлар табиати ва уларнинг юзага келиши” асарида тана ва аффектнинг, яъни кайфият бузилиши ва соматик касалликларнинг бирлигини таъкидлаб ўтади[6].

Юкорида келтирилган маълумотлар кейинчалик XIX асрдаги тадқиқотлар билан тўлдирилди. Германияда “нима бирламчи ва муҳим? – танами ёки руҳми” деган муноазаралар юзага келди. Декарт дуализми асосида немис шифокорлари бу мавзуда узок баҳслашдилар. 1818 йилда “психика” намояндаси Хайнрот медицинага “психосоматика” терминини олиб кирди, кейинчалик 1822 йилда “соматика” намояндаси Якоби “соматопсихика” терминини таклиф этди. Бу кураш соматиклар ғалабаси билан якунланди[4]. Соматиклар хатто бош миянинг психик фаолиятдаги ролини ҳам инкор этганлар. Бир вактнинг ўзида психика тарафдорлари эса инсонда психика ва соматик томонлар бирлигини эътироф этганлар. Бутунлай олиб караганда психик бузилишларнинг организмнинг функционал хусусиятларига таъсирини ўрганиш аввало медицинада эмас, психологияда бошланди. Ўша давр психологлари эмоциялар ва уларнинг факт психик жараёнлар – хотира, диккат, тасаввурларнинг шаклланиши ва х.к.ларга эмас, балки жисмоний жараёнларга таъсирини ҳам фаол ўрганар эдилар. Бу вазиятда иккى нұқтаи назар мавжуд эди: баъзи тадқиқотчилар жисмоний жараёнлар эмоционал жараёнларга боғликларини эътироф этсалар, бошка олимлар бунинг аксини таъкидлар эдилар. У.Джеймс ва Н.Ланге фикрига кўра, биз биламизки, дастлаб таассурот, кейин жисмоний реакция, кейин эса эмоциялар юзага келади. Уларга

\* Нарметова Ю.К. – ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси.

карама-карши равища бошқа оймлар (бу караш хали ҳануз мавжуд) шундай тезисни илгари сурешники, аввал таассурот (таъсир кўрсатиш), кейин эмоция, улардан кейин жисмоний функционал ўзгаришлар юз беради Эмоцияларни ўрганиш борасида психологлар томонидан анча ишлар килинди – эмоциялар ижобий ва салбийга, стеник ва астеникка бўлинди. Шунингдек, психологлар аниқлашдики, эмоциялар кўпинча у ёки бу жисмоний (соматик) ўзгаришлар билан бирга кечади. Шу нарса таъкидландик, ижобий эмоциялар беморнинг тузалишига олиб келади, организмнинг қарама-каршилигини кучайтиради, яъни инсон саломатлигини кўллаб-куваатлади, бир вактнинг ўзида салбий эмоциялар организмнинг касалликка каршилигини сусайтиради, касалликнинг юзага келишига ва унинг узок давом этиши ҳамда тузалиш жараёнининг узайиб кетишига олиб келади. Мазкур фикр медицинада фаолият олиб борган психологларга тегишли. Тиббиёт намоёндаларига келсак, психиатрлар, жумладан, психоаналитиклар эмоциялар ролини уларнинг организм жисмоний холатига салбий таъсир кўрсатиши нуктаи назаридан караб чикканлар. Улар кўпроқ З.Фрейд ишларига асосланганлар. Узок вакт давомида психоаналитиклар муаммони соматик бузилишлар асосида эмоционал бузилишлар ётади, деган гояга мувоғик мухокама килдилар, лекин буни бавосита ва психосоматик бузилишларнинг юзага келиш назарияларида эмоциялар ҳақида кискача тўхталиш билан амалга ошириллар.

Бу муаммога Ф.Александер ўз ходимлари билан Чикаго психоанализ институтида олиб борган тадқикотларида эътибор каратди[2]. У шахсдаги у ёки бу ходисаларга реакцияларнинг бир нечта стереотиплари уларга мос равища ривожланадиган соматик бузилишлар билан кечишини таъкидлаб ўтди. Кейинчалик психоаналитик F.Dunbar шахснинг 11 типини ажратди ва шу асосда психосоматик касалликларнинг ривожланиш назариясини илгари сурди. Мазкур шахс типларига ошкозоничак яраси касаллиги, юрак хасталиклари, артритга ва ҳ.к. ларга мойил шаҳс типлари киритилди. Ҳар иккала назария ҳам психосоматик касалликларнинг юзага келишида омиллардан факат бирига тўхталиб ўтдилар, эмоционал холатлар, шахслик хусусиятларининг соматик касалликларни келиб чикишидаги роли бунда кўпроқ назардан четда колди[1].

Психосоматик бузилишларнинг келиб чикишидаги яна бир назария К.Леонгард ва А.Е.Личко томонидан ишлаб чикилди, унга кўра шахсдаги ўзгаришлар билан соматик бузилишлар ўртасида алокадорлик мавжуд. Бундан ташкари “индивид учун ахамиятли обьектларни йўқотиш” назарияси ишлаб чикилди. (H.Freyberger, 1996), унга кўра психология жароҳатлар соматик бузилишлар генезида катта роль ўйнайди[1]. Умуман

психоаналитиклар кучли, массив психологик жароҳатларни (кариндошлардан айрилиш) алоҳида таъкидлаб ўтадилар, яъни бу жароҳатлар шахснинг ўзгаришига кучли таъсир кўрсатади, салбий эмоцияларнинг юзага келишига олиб келади ва бўнинг натижасида психосоматик касалликлар авж олади.

Шунингдек, M.Shur томонидан ишлаб чикилган десоматизация назарияси мавжуд бўлиб, у болалик даврида психосоматик бузилишларнинг юзага келиш сабабларини тушунтиради. Унда турли ёшдаги болаларда психосоматик реакцияларнинг ўзига хос хусусиятлари кузатилиб, таъкидланадик, эрта болалик даврида бола психологик жароҳат вазиятларига ўзидаги “мен” яхши етилмаганлиги учун соматик жавоб беради. Ёш катта бўлган сари “Мен”нинг роли ортиб боради ва катта ёшдаги одамларда у ёки бу жароҳатловчи вазиятларга соматовегетатив жавоб реакцияси ҳам камрок учрайди, яъни у ёки бу эмоционал бузилишлар соматик ўзгаришлар билан камрок кечади. Бунга кўшимча равища десоматизация назарияси хакида гапириш мумкин.

Кейинги йилларда Алекситимия назарияси кенг таркалди (P.Sifneos, 1993)[6]. Бу назария яна “эмоцияларнинг етарлича вербализация килимаслиги” назарияси деб ҳам аталади. Унга кўра психосоматик касалликлар билан оғриган беморлар ўз эмоционал холатларини етарлича ифодалай олмайдилар. Улар хатточи касалликнинг кандай намоён бўлишини ҳам аниқ ва тўлиқ ҳикоя килиб бера олмайдилар.

Бу психологик ёндашувлар психосоматик бузилишларни даволашда психотерапевтик воситаларни кўллаш заруратини юзага келтириди.

Мазкур муаммонинг психологик йўналишда ўрганилишидан ташкари нейрофизиологик, нейропсихологик, нейропсихиатрик йўналишларда ҳам катор тадқикотлар амалга оширилди. И.П.Павлов, И.М.Сеченов, К.М.Биков тадқикотлари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда психосоматика нафакат психологиянинг, балки барча инсоншунослик фанларининг диккат марказида турибди. Глобаллашув жараёнида инсон ҳаёт тарзининг тубдан ўзгариши, турли янги нозологияларнинг юзага келиши психосоматика йўналишининг алоҳида фан тармоғи сифатида ажralиб чикишига олиб келмоқда ва мазкур соҳада тадқикотлар олиб бориш тенденцияси кучаймоқда. Нафакат касалликларнинг келиб чикишида, балки касаллик шароитида инсон психологиясида юзага келадиган салбий ўзгаришларни профилактика килиш, даволаш ҳамда реабилитация жараёнида инсон руҳий химоя захираларини юзага чиқариш бугунги кун тадқикотларининг долзарб вазифасига айланиб бормоқда.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абрамова Г. С., Юдчиц Ю.А. Психология в медицине. – М.: «Кафедра-М», 1998. Б.137
2. Абу Ади ибн Сино. Тиб конунлари. 5-томлик. -Т. “Ўзбекистон”, 2000 2 том Б. 133-140
3. Александр Ф. Психосоматическая медицина. Принципы и практическое применение/ Пер. с англ. С. Могилевского. - М.: “ЭКСМО-Пресс”, 2000. Б. 352

4. Брайтигам В., Кристиан П., Рад М. Психосоматическая медицина. -М.: "Гэотар Медицина", 1999. – Б. 376
5. Лакосина Н. Д. Клиническая психология: Учебник для студ. мед. вузов. - М.: "МЕДпресс-информ", 2003. Б. 415
6. Николаева В.В. Влияние хронической болезни на психику. Психологическое исследование. - М. "Наука", 1988. Б.168
7. Пезешкиан Н. Психосоматика и позитивная психотерапия. - М.: "Медцина", 1996. Б.464
8. Тополянский В.Д., Струковская М.В. Психосоматические расстройства. М.: "Медцина", 1986. Б.565

#### РЕЗЮМЕ

В статье проанализирована проблема, которая становится все больше популярной в психологии и медицине – психосоматические и соматопсихические подходы. С различной точки зрения рассмотрены психологические факторы в возникновении соматических заболеваний, а также изменения в психологии человека под воздействием болезни. Изложены мнения ученых Запада и Востока по изучаемой проблеме. Подчеркивается, что данные подходы указывают на необходимость применения психотерапевтических воздействий при лечении психосоматических расстройств.

**Ключевые слова:** психика, психосоматика, соматопсихика, соматизация, болезни, эмоция, типы личности, Алекситимия, аффект, депрессия, профилактика, реабилитация.

#### RESUME

In this article were analyzed becoming more and more popular and growing problem-psychosomatic somatic psyche, approaches in medicine and psychology. The origin of the body diseases under the influence of psychological factors concentration of disease caused by human psychology changes depending on the point of view of the different approaches. West and East scientist's opinions about these problems were stated. This approach in the treatment of distortions psychosomatic means psychotherapeutic intake indicate the need for soothing role.

**Key words:** psyche, psychosomatic, somatic psyche, illness, emotion, person quality, affect, depression, prophylaxis.